

ЕНГИЛ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАР ДАВРИДА ВЕГЕТАТИВ ДИСФУНКЦИЯ СИНДРОМИНИ ЎРГАНИШНИ АХАМИЯТИ

Мирзаева Н.С , Рахимов А.Э.

ТТА Урганч филиали

Ишдан мақсад: *Енгил бош мия жароҳатлари асоратлар давридаги вегетатив дисфункция синдроми давлар бўйича эрта ташхислаш ва ахамиятини ўрганиш.*

Илмий тадқиқот материаллари ва усуллари. *Тадқиқот ишини амалга ошириш учун Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бўлимларида бош миянинг енгил турдаги жароҳатлари билан даволанган 138 нафар беморларни рўйхатга олдик.*

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Касалликнинг ўткир даврида 138 нафар беморда (79,7%) вегетатив дисфункция ҳолатлари кузтилган бўлса, ушбу ҳолат эрта тикланиш даврда 86 нафар (43,9%) беморда кузатилди, кечки тикланиш даврига келиб 36 нафар (20,8%) беморда кузатилди холос. Демак, ўткир даврдан эрта тикланиш даврага ўтиш пайтида ушбу симптомларнинг камайиши кўпроқ кузатилар экан, камайиш даражаси динамикада 35,8% ва 23,1%. Кечки тикланиш давларда асосан гипергидроз, акроцианоз белгилари кўпроқ кузатила бошлади. Вегетатив дисфункция симптомларини жароҳат тури бўйича анализ қилинди. Ўткир даврда БМЧ ўтказган беморларда (82 нафар) деярли барчасида вегетатив дисфункция ҳолатлари кузатилди, бош мия лат ейиши ўтказган 20 нафар бемор (71,4 %) вегетатив дисфункция асосан қон босимининг нотурғунлиги, тахикардия ёки брадикардия кўринишида намоён бўлди.

Хулоса: Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда бош енгил бош мия жароҳати олган беморларда, эрта тикланиш даврда БМЧ ўтказган беморларда вегетатив дисфункция яққол камая бошлади, акроцианоз ва гипергидроз кўринишидаги симптомлар кечки тикланиш даврига қараб кучая борди. Жароҳатдан кейинги ҳар бир даврда вегетатив дисфункция симптомларини текширилиш ва уларни эрта давларда бартараф этиш мезонларини ишлаб чиқилиши беморлар ҳаёт сифатини яхшиланишига, меҳнат қобилиятини тикланишига олиб келади.



АДАБИЁТЛАР:

1. Алимова М. М. и др. Свойства иммунной системы человека и её уникальность //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 5-3. – С. 106-108.

2. Куурбанова Н. Н., Бахтиерова А. М., Тажибаева М. Биохимические основы повреждений малого кровообращения при сахарном диабете //Development and innovations in science. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 50-51.

3. Kurbanova N.N. et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, Issue 08, 2020. – Page. 8910-8920.

4. Navruzovna K. N. et al. Biochemical changes in hepatocyte subcellular fractions in experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 57-59. ООО «Олимп».